

XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё анъанавий таълим тизими хусусиятлари

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё халқлари маънавиятида ёшлар таълим-тарбиясини ривожлантириш минтақа халқларининг маданий тараққиётида асосий омил сифатида муҳим ўрин тутган.

XIX аср ўрталарига келиб, Ўрта Осиё сиёсий харитасида тинимсиз ўзаро курашлар гирдобига тушиб қолган уч давлат: Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари мавжуд эди. Ушбу давлатлар ўртасидаги урушлар натижасида халқ хўжалиги, турар жойлар, савдо ва суғориш тизимлари вайрон этилар эди. Бундай сиёсий вазиятда вайрон қилинган хўжалик ва шаҳарларни тиклашга эътибор қаратилган. Лекин таълим ва тарбия масалалари ҳам доимо минтақа халқлари ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу даврда Ўрта Осиё халқлари таълим тизимининг асосини хусусий мактаб ва мадрасалар фаолияти ташкил қиларди. Ундан ташқари, мавжуд қорихона, ҳонақо ва отин-бибилар уйларида фаолият юритувчи қизлар мактаблари ҳам ўзига хос таълим-тарбия вазифасини бажаган.

Анъанавий таълим тизимида мактаблар бошланғич ўқув масканлари бўлиб, улар шаҳар, қишлоқларда ва кўчманчилар овулларида ҳам мавжуд эди. Улар, одатда, масжид, мадраса ҳузурида ёки хусусий ховлиларда ташкил этилган¹. Шаҳарда мактаблар, одатда, малакали мактабдор томонидан ўз уйида ёки маҳаллий бойлар томонидан уларнинг хонадонидида ташкил этилган.

Ўрганилаётган даврда мусулмон мактаблари таълимида араб ёзуви асосий ёзув шакли бўлиб, бу ёзув нафақат форс-тожик тилларига, балки туркий тилларга ҳам мослаштирилган. Мактабларнинг сони кўп бўлиб, улар мактаб ёшидаги болаларнинг катта қисмини қамраб олган.

Ўзининг ўрта асрлардаги шакли ва фаолият хусусиятларини сақлаб қолганлиги мактабларнинг услубий жиҳатдан суст ривожланганлигини англатарди. Маҳаллий зиёлилар матбуотда анъанавий мактаб ва мадрасаларда таълим-тарбиянинг аҳволи ҳақида сўз юритиб, уларнинг давр талабларига мос эмаслиги ҳақидаги фикрларни таъкидлаш билан бирга мавжуд таълим тизимини ислоҳ этиш зарурлигини таъкидлашган². Мусулмон мактабларида таълим-тарбиянинг самарасизлиги³, ислом дини ва ақидаларини билувчи мутахассисларни тайёрлашдек тор мақсадларга йўналтирилганлиги³ ҳақидаги фикрларни рус муаллифлари асарларида ҳам учратишимиз мумкин. Яъни, айтиш мумкинки, XIX аср ўрталарига келиб анъанавий таълимни ислоҳ этиш давр талабига айланиб улгурган эди. Шунинг учун ҳам таълим тизими тарихини ёритишга бағишланган адабиётларда XIX асрдаги Ўрта Осиёдаги

¹ Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – Б. 6.

² Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Ф.Ғулом, 2009. – Б. 114-115.

³ Наливкин В.П. Школа у туземцев Средней Азии. Речь, произнесенная на годовичном акте Туркестанской Учительской Семинарии 31 мая 1889 г. – Тошкент, 1889 // Туркестанский сборник. Т. 418. – С. 39. ³ Остроумов Н.П. Народное образование. Мусульманские мактабы и русско-туземные школы в Туркестанском крае. – Тошкент, 1889 // Туркестанский сборник. Т. 418. – С. 53.

таълим тизими жахон тараққиётидан орқада қолганлиги ҳақида фикрларни учратамиз.

Дарҳақиқат, мактабларда таълим бериш ва улар фаолиятини назорат қилиш усуллари таҳлил этадиган бўлсак, уларда таълим дастурларининг дунё фани тараққиётидан мазмунан йироқлашиб қолганлиги, таълим муассасалари ўқитиш жараёнини назоратини амалга оширувчи тизим фаолияти самарадорлиги пастлигига гувоҳ бўламиз. Яна бир жиҳат, мактаблар фаолияти молиялаштирилиши расмий идора ёки давлат маҳкамаси томонидан эмас, балки жамоатчилик томонидан амалга оширилган.

Мактаб ўқитувчилари меҳнат ҳақини ўқувчиларнинг ота-оналаридан ёки жамоат, яъни вақф фондларидан олинган. Тўлов ҳажми эса қавм билан келишилган ҳолда белгиланиб, ҳар ҳафта маҳсулот кўринишида: ун, гуруч, гўшт ёки пул шаклида берилган. Бундан ташқари, анъана бўйича ўқувчи маълум босқични тугатгандан сўнг ўқитувчи ихтиёрий равишда ота-оналар томонидан рағбатлантирилган⁴. Таълим учун, одатда, ойига 20 тийиндан 1 сўмгача, баъзан эса 2-3 сўм тўланган. Ота-оналардан “бўйра пули”, “кўмир пули” каби тўловлар ҳам олинган⁵. Кўчманчиларда таълимга тўлов отаоналар билан ўзаро келишув асосида бўлган. Болалар мактабга, одатда, 6-8 ёшдан, баъзан 5 ёшдан борганлар. Улар бир мактабда беш йилдан кам ўқимаганлар, яхши мактабдорларда янада кўпроқ билимга эга бўлиш мақсадида саккиз йилгача таълим олишган.

Таъкидлаш жоизки анъанавий таълим жараёнида фақат таълим учун тўловларни амалга ошира оладиган ота-оналарнинг болалари ўқитилмаган. Манбаларда етим болаларни бепул ўқитиш ҳам йўлга қўйилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади⁶. Бу ўз ўрнида таълим шахсларнинг имкониятидан келиб чиқиб шаклланаган жараён эмас, балки жамият аъзолари томонидан зарур бўлган ижтимоий-маданий зарурат сифатида қаралган. Бироқ бу ҳолатлар оммавий характерга эга бўлмаган ва аҳоли орасида имконияти йўқ бўлган барча болалар ҳам таълим олмаган.

Мактаблар фаолияти ҳар доим ҳам маҳсулдор бўлавермаган, чунки уларда мустаҳкам моддий негиз мавжуд эмасди. Мактаблар кўпинча аҳолидан тушган хайрия маблағлари ҳисобига фаолият юритиб, баъзан ўқувчилар сони камлиги ёхуд ўқитувчи хоҳиши билан ёпилган ҳолатлар ҳам бўлган³. Яъни мактаб очилиши ва ёпилиши махсус маҳкама ёки идорага эмас, балки ўқитувчи ҳамда ўқувчи ва улар ота-оналарига боғлиқ ҳолат эди.

Қишлоқ мактабларида ўқувчилар сони ўртача 10-20, шаҳарларда эса 5060 тагача етган. Машғулотлар жума ва байрам кунларидан ташқари тонгдан то

⁴ Гейер И. Туркестан. С дополнительной статьей «Семиреченская область», сост. А.Л.Кирснером. – 2-е, изд. испр. и доп. автор. – Ташкент: Типография Туркестанского печатного Дела, 1909. – С. 27.

⁵ Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX–начале XX в. Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981. – С. 32.

⁶ Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – С. 21. ³ Ўз МДА, ф. И-1, р. 11, 1243 иш, 13-варақ.

кечки соат 16-17 ларгача давом этган. Танаффус кун давомида икки марта бўлиб, дарслар индивидуал тарзда олиб борилган. Ягона синф – дарс тизими бўлмаган. Ўқувчиларга аввал эркин ўқиш ўргатилиб, сўнгра ёзув кўникмаси шакллантирилган⁷, чунки ўқишни ўрганиш ёзувга ўтишда бирмунча қулайлик яратган. Шунини таъкидлаш жоизки, мактабда ўқитишнинг расмий дастури бўлган эмас⁸, лекин асрлар давомида муайян кўринишда умумий ўқитиш дастури шаклланган эди.

Алифбо ўрганилгандан сунг форс тилида Қуръоннинг еттидан бир қисми маъносини англаувчи “Ҳафтияк”ни ўқишга киришилган. Ундан кейин, Қуръон суралари “Алламнашроҳ”ни – ёдлашлари билан ўқувчилар саводли ҳисобланган. Ўқиш ва ёзишни ўрганган ўқувчилар “Даҳрул нажот”, “Насойихул - атфол”, шариат асослари баён этилган “Чор Китоб” каби ўқув қўлланмалар ҳамда Навоий, Фузулий, Шеъррозй, Аттор, Бедил, Машраб ва бошқаларнинг асарларини ўрганишган⁹.

Машғулотлар индивидуал шаклда бўлганлиги туфайли ўқувчи мактабга келган вақтдан қабул қилинган. Ўқувчининг бир китобни ўзлаштириб иккинчисига ўтиши унинг ютуқларидан далолат берган. Қуръон ва ислом асосларини ўргатувчи китобларни ўрганиш билан мактабнинг биринчи босқичи яқунланган. Кейинги босқичда ўқувчилар билимлари чуқурлаштирилган. Ўқувчиларнинг салоҳиятига қараб ҳар бири учун алоҳида дарс топшириқлари берилган.

Мактабда касб ёки ҳунар ўргатилмаган, ҳаётда асқотадиган бошқа амалий фаолият учун тайёрлаш мақсади қўйилмаган. Ўқишни битирганлик тўғрисида бирон-бир расмий ҳужжат ҳам берилмаган. Мактаб, асосан, таълимнинг 2-босқичи бўлган мадрасага кириш учун тайёрлаган. Ўқитиладиган илм ва фанлар бўйича методик йўл-йўриқлар бўлмаган. Ҳар бир домла буларни ўзича, тўғрироғи, анъанага кирган тизимда ўқитган¹⁰.

Баъзи мактабларнинг ўқитувчилари юқори босқич ўқувчиларининг хоҳловчиларига “Илми ҳисоб”ни ҳамда мадрасаларга тайёрланаётган ўқувчиларга араб тили грамматикаси ўргатишган.

Ўз вақтида Туркистон ўлкасида рус таълим тизимини жорий этишда фаол қатнашган рус зиёлилари ўрганилаётган давр нашрларида мусулмон таълим муассасаларининг ижобий аҳамияти, Ўрта Осиё халқлари маданиятининг буюклиги ҳақида кўплаб мақолалар чоп этганлар. Масалан, мусулмон таълим масканлари назоратини амалга оширган халқ таълим муассасалари инспектори лавозимида ишлаган, В.П.Наливкин; “Мусулмон олами ўзининг илмий фаолияти билан фахрланса бўладиган даврлар бўлган”, – деб айтган¹¹.

⁷ Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 333 иш, 16-орқа варақ

⁸ Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – Б. 6.

⁹ Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – С. 22.

¹⁰ Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – Б. 6.

¹¹ Наливкин В.П. Школа у туземцев Средней Азии. Речь, произнесенная на годовичном акте Туркестанской Учительской Семинарии 31 мая 1889 г. Т., 1889 // Туркестанский сборник. Т. 418. – С. 38. ² Остроумов Н.П.

Шунингдек, Н.П.Остроумов “Ўрта Осиё халқлари орасида, айниқса, эркаклар орасида, бошланғич мусулмон таълими кенг тарқалганлиги” ҳақида эътироф этиб “аёллар орасида саводлилар кам учрайди”² деб ўринли эътироз баён қилган. Бу билан шарқшунос олимлар томонидан Туркистон халқларининг маданияти ва маънавиятини юксак бўлган даврлар бўлганлигини таъкидлаш билан бирга XIX аср иккинчи ярмида мавжуд анъанавий таълим тизимининг инқирозли ҳолатини эътироф этишган (1-илова).

Ўрта Осиё анъанавий таълим муассасалари фаолияти ҳамиша тадқиқотчи олимлар диққат марказида бўлган. Айниқса, тадқиқ этилаётган давр саёҳатчи ва тарихчиларининг фикрлари эътиборга молик ҳисобланади. Улар маҳаллий таълим муассасалари фаолиятини таҳлил этар эканлар, мактаблар сонини турлича келтиришган. Маълумки, мактаблар масжидлар ҳузурида қавм аҳли болалари учун ташкил этилган. Ўтроқ ўзбеклар истиқомат қилувчи туманларда битта масжидга 50 га яқин хонадон, Хоразм ва Ангрэн воҳасида эса ҳар бир 60-70 хонадонга битта масжид тўғри келган³. XIX асрда мактаблар фақат масжидлар қошида эмас, балки мактабдорлар томонидан ҳам ташкил этилган ҳоллар кўп бўлган. Империя ҳукумати статистик маълумотларига кўра, XIX аср 80-йилларида Туркистон ўлкасининг Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 5 мингдан кам бўлмаган мусулмон мактаблари фаолият юритган бўлиб¹², уларда 46 минг атрофида ўқувчилар¹³ таҳсил олган. Ушбу мактабларнинг катта қисми ўзбек ва тожик миллати вакиллари истиқомат қилувчи ҳудудларда бўлган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, уларнинг маълум қисми империя маъмурларининг рўйхатига тушмай қолган эди. Чунончи, 1890 йилларнинг бошларида халқ таълим муассасалари инспектори В.П.Наливкин мусулмон мактаблари сони ҳақида маълумот берар экан, қуйидаги таърифни келтиради: улар “... расман 5000, аслида эса эҳтимол 10000”¹⁴ (2-илова).

Манбаларда Туркистондаги мактаблар сони ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Ўтроқ аҳоли мактаблари сони ҳақида маълумотлар ўлкадаги империя маъмурияти ҳужжатларида учраса-да, кўчманчилар овул мактаблари ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. Хусусан, Фарғона ва Ёттисув вилоятларида яшовчи кўчманчи қирғиз овулларидаги мактаблар ҳақида келтирилган маълумотларда “қирғизларда мактаблар, одатда, муқим бир жойда фаолият юритмасдан жойдан-жойга кўчиб юрган”¹⁴, дейилади. Бу ҳолат мактабларни руйхатга олиш ишларини қийинлаштирган. Кўчманчилар мактаблари ҳақида маълумотлар ўқув ишлари бўйича инспекторларга уезд бошлиқлари томонидан тақдим этилиб, уларда мактаблар фаолияти тартиби, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг сони тўғрисида аниқ маълумотлар

Сарты. Этнографические материалы. Вып. 1. – Ташкент, 1890. – С. 45. ³ Ўз МДА, ф. Р-2282, р. 1, 73 иш, 59-варақ.

¹² Ўз МДА, ф. Р-2282, р. 1, 73 иш, 60-варақ.

¹³ Махкамова Н. К вопросу об уровне просвещенности и культурного развития среднеазиатских государств XIX – начале XX века // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2000, №1-2. – С. 17.

¹⁴ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане 1865-1924 гг. – Москва, : «Наука», 1960. – С. 45. ⁴ Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 926 иш, 101-варақ.

келтирилмаган¹⁵. Уезд бошлиқлари томонидан аниқланган мактаблар сони ҳам аҳоли сони нисбатига мос келмаслиги билан тавсифланади¹⁶. Фикримизнинг исботи сифатида 1914 йилда 3-район Фарғона вилояти инспектори ҳисоботида; “Кўчманчилар мактабларини аниқ рўйхатлаш мумкин эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам улар сонини юзлик сонлар билан белгилаш керак ...”¹⁷, – деб кўрсатилган маълумотини келтириш мумкин.

Мактаблар сони тўғрисидаги маълумотлар бошқа манбаларда ҳам учрайди. Лекин уларнинг кўпчилигида маълум бир ҳудуд миқёсида рақамлар турлича қайд этилган. Хусусан, маҳаллий матбуотда XIX асрнинг 60йилларида Тошкентда 118 та мактаб бўлганлиги кўрсатилса¹⁸, архив ҳужжатларида 1884 йилда Андижон шаҳри ва Андижон уездида 518 мактаб бўлиб, уларда 7360 ўқувчи таълим олганлиги ва уларнинг 5070 таси ўғил ва 2290 таси қиз болалар эканлиги қайд қилган¹⁹.

Ўрта Осиёда мактаблар сонининг кўплигини кўрган баъзи сайёҳ олимлар маҳаллий аҳолининг кенг миқёсда саводхонлиги ҳақида хулосаларга келган. Масалан, 1878 йил уч ой давомида Фарғона водийсида бўлган академик А.Миддендорф мусулмон аҳолисининг оммавий саводхонлигини халқ таълими бўйича Россия арбобларига намуна ва таъна сифатида келтиради⁴. Бироқ маҳаллий аҳоли орасида узоқ вақт истиқомат қилган ва кузатишларни амалга оширган муаллифлар, турли соҳа мутахассислари бўлса-да, А.Миддендорф фикрларига зид маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Чунончи, С.М.Граменицкий – “Мусулмонлар турмушида ҳайратланарли даражада бошланғич мактаблар сони кўп ва саводли кишилар сони кам”²⁰; Н.С.Колчанов – “Қишлоқдаги мусулмон мактабларнинг саводхонлик ўсишига ҳеч қандай алоқаси йўқ”²¹; В.П.Наливкин – “... маҳаллий аҳоли орасида мактабларнинг сони кўп бўлиши билан бирга саводсизлар кўплигини учратамиз”²² каби фикрларни келтиришган. Мазкур муаллифлар мактабларда фақатгина диний саводхонликка эътибор қаратилиб, дунёвий билимлар кам ўқитилганлигини назарда тутиб, Туркистондаги анъанавий таълимнинг мазмунан давр талаблари даражасида эмаслигини кўрсатиб ўтишган. Зеро, улар мактаблар кўплигини ва саводдилар камлигини бир-бирига зид бўлган ҳолат деб келтиришган.

¹⁵ Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 926 иш, 255-256-варақлар.

¹⁶ Айтмамбетов Д.А. Дореволюционные школы в Киргизии. – Фрунзе, 1961. – С. 11.

¹⁷ Ўз МДА, ф. И-47, р. 1, 283 иш, 139-144 -варақлар.

¹⁸ «Туркистон вилояти газети», 1889, №12.

¹⁹ Ўз МДА, ф. И-19, р. 1, 1458 иш, 147-варақ. ⁴ Миддендорф А.

Очерки Ферганской долины. – СПб. 1882. – С. 127.

²⁰ Граменицкий С.М. В 1875 г. О Ташкенте в Т.В., №30.

²¹ Колчанов Н.С. О верховьях Зеравшана // «Сборнике материалов для статистики Самаркандской области за 1887-1888 гг.». Вып. 1. – Самарканд, 1890.

²² Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадраса Сыр-Дарьинской области в 1890/91 учебный год. – Ташкент, 1916. – С. 44.

Туркистонда асрлар мобайнида шаклланган таълим тизими маҳаллий турмуш талабига мос бўлиб, уларнинг асосий вазифаси ислом асослари ва бошқа илм ёки фандан ибтидоий маълумотлар бериш бўлган²³.

Мактаблардаги таълим ўша давр жаҳон талабларидан орқада қолган эди. Бу ҳақда маҳаллий зиёлилар вакилларида бўлган Исҳоқхон Ибрат ҳам кўп марта таъкидлаган²⁴. Бундан ташқари, М.Бехбудий 1912 йилда “Туркистонда мактаб жариди”, “Эҳтиёжи миллат”, “Ёшларга мурожаат” каби мақолаларида мусулмон мактабларининг эндиликда давр талабига жавоб бера олмаслиги, шу сабабли “усули жаид” мактабларининг нечоғлик эҳтиёжга молик эканини таъкидлаб, “Дунёда турмак учун дунёвий фан ва илм лозимдур; замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур.”²⁵, – деган эди. Таъкидлаш мумкинки, XIX аср иккинчи ярмида мактабларда ўқитиш тизими, ҳақиқатдан ҳам, замон талабларига мос эмасди.

Ўрта Осиё шаҳар ва қисман қишлоқларида қизлар учун бошланғич мактаблар ҳам мавжуд бўлиб, улар, одатда, ўқитувчи аёл – отинбибилар уйларида жойлашган. Бундай қизлар ўқитиладиган жойларга нисбатан “мактаб” атамаси қўлланилмаган. Қишлоқ жойларда қизлар мактаби жуда кам ҳолларда учрарди. Баъзи ҳудудларда 100 та мактабга битта қизлар мактаби ҳам тўғри келмас эди. Бироқ баъзи шаҳарларда қизлар мактабларининг сони ўғил болалар мактабларининг чорак қисмига тенг келган²⁶. Тошкентда 1864 йилда руслар билан бўлган уруш учун солиқ жорий этиш бўйича рўйхатга олиш ўтказилганда, 8000 минг нафар ўқувчи болалар, 4000 нафар ўқувчи қизлар қайд этилган. Биргина Себзор даҳасида 25 нафар ўғил болалар ва 15 нафар қизлар, Шайхантохур даҳасида эса 20 та ўғил болалар ва 10 та қизлар мактаби мавжуд бўлган²⁷. Яна шуни ҳисобга олиш керакки, отинбиби мактабида ўқувчи қизларнинг укалари ҳам ўқиган.

Ўғил болалар мактабларида аҳолининг барча қатламлари болалари таълим олган бўлса, отинбиби ўқувчилари орасида дин пешволари, йирик ва ўртаҳол савдогарлар қизлари кўпчиликини ташкил этаган. Ўлканинг барча ҳудудларида ҳам қизлар таълимига аҳоли орасида муносабат бир хил бўлмаган. Бунинг оқибатида мазкур отинбибилар мактабларининг сони ҳам ҳудудлар бўйича нисбати бир хил даражада эмасди. Бунга ҳудудларда қизлар таълимига аҳоли турмушида бўлган талаб ва эҳтиёж даражаси ҳам таъсир ўтказган. Ўғил болалар мактабларига нисбатан қизлар мактабларида ўқувчилар сонининг бир неча баробар камлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Отинбиби ўқитувчилик ҳақини атрофдаги ўғил болалар мактабларига нисбатан кўпроқ олган. Айрим жойларида эса аксинча бўлган²⁸. Яъни, уларга

²³ Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – Б. 6.

²⁴ “Туркистон вилояти газети”, 1907 йил, 72-сон.

²⁵ Бехбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: «Маънавият», 1999. – Б. 199.

²⁶ Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 90-92, 95.

²⁷ Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 128.

²⁸ Наливкин В.П., Наливкина М. Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганской области. – Казань, 1886. – С. 57.

бериладиган ойлик тўлов мазкур жамоа орасида қизлар таълимига бўлган эҳтиёж, талаб ва жамоатчилик муносабатидан келиб чиқиб шаклланган.

Туркистондаги қизлар мактабларининг иккита умумий функционал жиҳатлари бўлган:

1. Ўғил болалар мактаблари каби бошланғич диний таълим бериш билан бирга анъанавий турмуш тарзи ҳамда аждодлар маънавий қадриятларини ўргатар эди;

2. Мактаб ва мадрасалар каби диний таълимотларни ташвиқ этувчи таълим муассасаси бўлиш билан бирга келажакда ислом асосларини аёллар орасида тарғиб этувчи ва бўлажак ёшларга таълим-тарбия берувчи мутахассисларни тайёрлаш масканлари эди.

XIX аср Ўрта Осиё жамоатчилигида қизларнинг савод олиши ижобий баҳоланган. Бироқ, таъкидлаш жоизки қизлар таълимига нисбатан барча худудларда ҳам бу ижобий муносабат кузатилмаган. Отинбибилар орасида имомлар ва мактабдорларнинг аёллари кўпчиликни ташкил этган. Яъни, улар аёллар жамоаси орасида илмли кишилар бўлишган.

Қизлар мактабларидаги машғулотларда асосан форс-тожик ва туркий тилдаги асарлар ўргатилган²⁹. Ушбу таълим муассасаларида “Таълими банот”, “Муошарат одоби”, “Тарбияли хотун” ва бошқа шарқ ахлоқий маданиятини ўз ичига олувчи фанлар ўқитилган³⁰. А.П.Хорошхиннинг 1876 йилдаги маълумотида кўра, қизлар 7-11 ёшдан ўқитилган, 11-15 ёшдан эса тикувчиликка ўргатилган³¹. Бундан шу нарса кўзатиладики, қизлар мактабларидаги таълим дастурлари ўғил болалар мактаблари дастурларига нисбатан кам қамровли ва асосан турмушда энг зарур бўлган билимларни беришга ихтисослашган.

Ўрта Осиёда ўғил ва қиз болалар бирга таълим олувчи аралаш мактаблар бўлганлиги ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. 1906 йил Каспийорти вилояти мактабларининг аҳволи ҳақида маълумот берган Н.П.Остроумов туркманлар орасида, баъзи жойларда ўғил ва қиз болалар бирга таълим олувчи мактаблар мавжуд бўлганлиги, улар атиги икки ёки уч йил давомида таълим олишлари ҳақида маълумот беради³². Бироқ, бу маълумотлар бутун Туркистон ўлкаси учун бир ёки иккита истисно ҳолат бўлиб, бутун ўлка аҳолисининг бу ҳолат бўйича муносабати ва ўғил ва қизларнинг умумий таълими ҳақида фикр юритиш, хулоса бериш ҳамда ўғил ва қиз болаларнинг биргаликда таълим олишлари маҳаллий аҳоли маънавияти ва маданий турмуш-тарзига қанчалик мос эканлиги ҳақида сўз юритиш имконини бермайди. Фақатгина, айрим жойларда уларнинг биргаликда таълим олганликлари ҳолатини қайд

²⁹ Исмаилова Д.А. Роль и место ислама в общественно-политической жизни народов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2006. – С. 14.

³⁰ Назимо А. Қизлар тарбияси. – Тошкент: Камалак, 1994. – 64 б.; Олимат ул-банот. Муошарат одоби. – Тошкент: “Меҳнат”, 1997. – Б. 32.

³¹ Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 91.

³² Остроумов Н.П. Мусульманские мактабы и русско-туземные школы в Туркестанском крае. ЖМНП, №2 за 1902 г. – С. 102.

этишимиз мумкин. Шу ўринда, яна таъкидлаш жоизки, бу ҳолат кўчманчи аҳоли орасида учрайди. Яъни, ўтроқ аҳоли орасида ўғил ва қизларнинг биргаликда таълим олишлари менталитетга хос бўлмаган ҳолат эди.

Туркистондаги мадраса, қорихона, хонақо ва далоилхоналар ўз мавқелари бўйича ўрта ва олий таълим муассасаларига тенглаштирилиб, нафақат ёшлар, балки катта авлод вакиллари маънавияти ва ахлоқий тарбиясини оширувчи масканлар вазифасини бажарган.

Ўрта Осиёдаги мадрасалар ҳақидаги илк маълумотлар X асрга тегишли бўлиб³³, XIX асрда фаолият юритган мадрасалар биноларининг аксарияти XVXVII асрларда бунёд этилган. Мадрасалар таъминоти йирик вақф мулклари ҳисобидан амалга оширилган. Масалан, Самарқанддаги Шердор ва Тиллакори мадрасалари вақфлардан йилига 7600 сўм, Тошкентдаги Бароқхон мадрасаси 1400 сўм даромад олган³⁴. Мадрасалар даромадлари ҳақида В.П.Наливкин қуйидаги маълумотларни келтирган: Фарғона вилоятида – 1820 та дўкон, 41 та карвонсарой, 15 та тегирмон, Сирдарё вилоятида – 198 та дўкон, 912 та дўкон ерлари, 10 та карвонсарой, 4 та тегирмон мадрасалар ҳисобида бўлган. Тошкентдаги биргина Эшонқўли Додхоҳ мадрасасига 40 та дўкон, 165 та дўкон ерлари, 2 та карвонсарой, 1 та тегирмон тегишли бўлиб, улардан йилига 2 минг рубль даромад олинган³⁵. Совет даври тадқиқотчиси А.Аминовнинг келтиришича, XIX асрнинг 90-йиллари охирида Андижон уездида 25530 десятина³⁶, Қўқон уездида 26561 десятина вақф ерлари солиқдан озод этилган³⁷. Н.Р.Маҳкамова 1894 йилда Туркистон генералгубернаторлигида мадрасалар ҳисобида 2208 та дўкон, 974 та дўкон ерлари, 58 та карвонсарой, 15 та тегирмон бўлганлигини келтириб ўтади³⁸.

Мадрасалар давлат ҳисобидан ташкил этилмаса-да, уларнинг фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш, бошқариш ва таъминлашни мустақкам механизми шаклланган эди. Бу тизим асрлар давомида такомиллашиб, тараққий этиб келган.

Мадрасалар назорати мусулмон диний ҳокимият вакиллари – Шайх улислом ва қозилар томонидан амалга оширилган. Махсус – хўжалик ишлари бўйича назорат аъламиён ва мутаваллибоши (бош мутаваллий) зиммаларига юклатилган. Аъламиён ҳукумат томонидан тайинланиб, пойтахт ва вилоятларда жойлашган мадрасаларнинг ўқув ва моддий томонларини назорат қилган ҳамда хон ғазнасидан белгиланган маош олган. Бу лавозим амирлик ва хонликларда бўлган. Мутаваллибоши ҳоким қароргоҳи бўлган ҳар

³³ Қаранг: Айтмамбетов Д.А. Дореволюционные школы в Киргизии. – Фрунзе, 1961. – С. 10.

³⁴ Исмаилова Д.А. Роль и место ислама в общественно-политической жизни народов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2006. – С. 14.

³⁵ Наливкин В.П. Положение вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания // Ежегодник Ферганской области. Т. III. – Новый Маргелан, 1904. – С. 41.

³⁶ Бир гектарга яқин ер ўлчов бирлиги.

³⁷ Аминов А. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). – Ташкент, 1959. – С. 33.

³⁸ Махкамова Н.Р. Социально-нравственные и духовные процессы в Узбекистанском обществе конца XIX – начала XX вв. // Общественное мнение. Права человека. – Ташкент, 2001, №2(14). – С. 85-91.

бир шаҳарда жорий этилиб, туманлардаги мутаваллийлар фаолиятини назорат қилиш унинг зиммасига юклатилган. Ҳар бир мутаваллийга тасарруфидаги вақф мулкларидан тушган даромаднинг 10/1 қисми маош сифатида ажратилган³⁹.

Мадраса бошлиғи сифатида барча фанлар ўқитилишини назорат қилувчи мударрис тайинланган. Мударрис юқори босқич талабаларига ва унинг бошчилигида ёрдамчи-муқаррирлар қуйи босқич талабаларига дарс берганлар. Мударрис фақат мадрасадаги ўқув жараёнига масъул бўлиб, вақф мулкларининг бошқарувига аралашиб ваколатига эга бўлмай, фақат мадраса эҳтиёжлари ҳақида мутаваллийга ахборот бериши мумкин эди⁴⁰.

Ўқув дастурлар асосини ислом ҳуқуқшунослиги, араб тили грамматикаси ташкил қилган. Фанларнинг кўп қисми диний билимлардан иборат бўлиб, фалсафа, геометрия, математика, география, тиббиёт, кимё каби фанлар ҳам ўқитилган⁴¹. Е.Н.Павловский маълумотида кўра мадрасаларда тарих, физика, табиат фанларидан қисқа ва умумий маълумотлар берилган⁴².

Туркистон аҳолиси маданияти, турмуш тарзи, удумлари ва таълим муассасалари фаолиятининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, таълим усуллари амирлик ва хонликлардагидан фарқ қилмасди. Лекин Туркистон генералгубернаторлиги ташкил этилиши билан унинг ҳудудидаги барча мадрасалар империя маъмурияти назорати ва бошқарувига ўтказилиб, аъламиён ва мутаваллий лавозимлари тугатилган. Мазкур лавозимларни тугатилиши натижасида мадрасалар фаолиятини назорат қилиш, вақфлар даромадини тасарруфини империянинг ҳудуддаги маҳкамалари ихтиёрига ўтказилишига сабаб бўлган. Бу эса ўз навбатида, ўлкадаги рус маъмуриятининг режасига кўра, молиявий кўмаксиз ва назоратсиз қолган мадрасаларда таълим сифатининг бироз пасайишига сабаб бўлиши керак эди. Бироқ, мадраса таълими 1917 йилга қадар ҳам рус таълим муассасаларига нисбатан маҳаллий аҳоли турмушида ўз аҳамиятини сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Чунки, жадидлар фаолияти ривожлангунига қадар улар ўрнини боса оладиган бошқа турдаги таълим муассасалари яратилмаган эди.

Мадрасада ўқитиш бир неча босқичда амалга оширилиб, босқичларни белгилаш ўтилаётган фан мазмунига боғлиқ эди. Мазкур босқичларнинг биринчиси “адно” – қуйи босқич, иккинчиси “авсат” – ўрта босқич ва учинчиси “аъло” – юқори босқич⁴³ – деб юритилган.

Ҳар бир босқич учун муайян вақт ажратилмаган. Лекин ҳар бир босқичга одатда 3 йил ва ундан кўпроқ вақт сарфланган. Бироқ, мадраса

³⁹ Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том 418. – Ташкент, 1907. – С. 6-7. ³ Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том 418. – Ташкент, 1907. – С. 6.

⁴⁰ Исмаилов Ш.Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX века: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981. – С. 15.

⁴¹ Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи. – Андижон.: Мерос, 1994. – Б.60;

⁴² Павловский Е.Н. Очерки Самаркандской области. (С рисунками в тексте) // Туркестанский сборник. Т. 554. – Ташкент, 1915. – С. 53.

⁴³ Остроумов Н.П. Мадрасы в Туркестанском крае. Журнал министерства народного просвещения. №1, 1907. – С. 1-58.

талабаларининг барчаси тўлиқ уччала босқични тамомламаган. Фақатгина келажакда мударрис, қози ёки муфтий, олим бўлишни истаган ўқувчиларгина тўлиқ таълимни тугаллаганлар. Таълим босқичларига қараб талабаларга қуйидагича нафақа белгиланган: қуйи босқичда – 4-12 рубль, юқори босқичларда – 15-35 рубль миқдориди⁴⁴.

Ўрта Осиё мадрасаларининг ўқув дастурлари асосан ўрта асрларда шаклланган эди. Машғулотлар олиб боришга мўлжалланган адабиётлар ислом оламининг кўп асрлик маданиятини ўзида акс эттирар эди. Мисол учун, “Шамсия” (формал мантиқ китоби) ва унга шарҳлар – XIII асрда, “Ақоид” – мусулмон дин ақидаларини баён этувчи китоб – XII асрда, “Мантиқ Таҳзиб” – мазмунида юнон фалсафасининг арабча талқинини ўзида мужассам этувчи диалектика китоби – XVI асрда, Шариат – Қуръон ва муқаддас ривоятлар асосида баён қилинган диний, фуқаролик, жинсий ва бошқа давлат, жамият қонун қоидалари ҳамда хусусий ахлоқ меъёрлари⁴⁵ тўплами VIII-IX асрларда тузилган. XIX аср охирлари – XX аср бошларида ижтимоий-иқтисодий сабабларга кўра диний таълим сусайиши натижасида таълим шарҳловчи тусга эга бўлиб, ҳар қандай янгилик қатъий муҳокама қилинган⁴⁶. Мадрасаларда ҳеч бир фанни ўқитишда махсус педагогик услубият ёки методика қўлланилмаган. Бироқ, таълим давомида талабалар мусулмон файласуф ва педагоглари қарашлари билан танишиб боришган⁴⁷.

Мадраса битирувчиларининг катта қисми мактабларда ўқитувчилик қилишган, жумладан бир қисми имом, бир қисми малакали мактабдор сифатида фаолият юритган. Кам таъминланган талабаларнинг кўпчилиги талабалик давридаёқ ўқитувчилик қилишган.

Мадрасалар сонини аниқлашда муайян номутаносибликлар мавжуд. Чунки империя маъмурлари ҳамда кейинги даврлар тадқиқотчилари келтирган маълумотлар турлича. Уларда келтирилган рақамлар бир-бирини такрорламайдиган маълумотлардан иборат: В.П.Наливкин маълумот беришича, 1890-1893 йилларда Туркистон ўлкасининг Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида жами 214 та мадраса бўлиб, улардан 155 таси шаҳарларда ва 59 таси уездларда жойлашган⁴⁸. Тадқиқотчи И.М.Мўминов тадқиқотида эса XIX аср охирлари – XX аср бошида Туркистонда 400 га яқин мадраса фаолият юритган,⁴⁹ деб қайд этилади.

⁴⁴ Гейер И.И. Туркестан. С дополнительной статьей «Семиреченская область». Сост. А.Л.Кирснером. – 2-е изд. испр. и др. авт. – Ташкент, 1909. – С. 25.

⁴⁵ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане 1865-1924 гг. – Москва, : «Наука», 1960. – С. 53-54.

⁴⁶ Фитрат А. Рассказы индийского путешественника (Бухара, как она есть)/ Перевод с персидского А.Н.Кодратьева. – Самарканд, 1913. – С. 19.

⁴⁷ Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том 418. – Ташкент, 1907. – С. 22.

⁴⁸ Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX в. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981. – С. 15.

⁴⁹ Муминов И.М. Избранные произведения в 4-х томах. – Ташкент, 1976, Т.2. – С. 37.

К.П.Кауфманнинг подшога ва В.П.Наливкиннинг генерал-губернаторга тақдим этган ҳисоботларида ёзилишича, мадрасаларнинг эски бинолари ва вақф хўжалиги XIX асрнинг 80-йиллари бошигача империя ҳукуматининг “менсимаслик” сиёсати натижасида вайрон бўлган. 1884 йилдаги рўйхатда номлари келтирилган баъзи мадрасалар В.П.Наливкин томонидан тузилган (1891-1895) рўйхатда учрамайди. Бундан кўриниб турибдики, шу қисқа вақт ичида бир қанча мадрасалар ўз фаолиятини тўхтатган. Бироқ мазкур уч вилоятдан ташқари Каспийорти ва Еттисув вилоятларида ҳам кам бўлса-да, мадрасалар фаолият юритган. Хусусан, 1902 йилда Каспийорти вилоятида 13 та мадраса бўлган⁵⁰. Еттисув ва Каспийорти вилоятларида мавжуд мактаб ва мадрасалар ҳақидаги маълумотлар В.П.Наливкин ҳисоботлари ва бошқа умумлашган маълумотлар берувчи ҳужжатларда учрамайди. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида XX аср бошларида Туркистон ўлкасида 400 га яқин мадрасалар фаолият юритганлигини таъкидлаш мумкин.

Туркистон ўлкасида мадрасалар асосан йирик шаҳарларда жойлашган бўлиб, XIX аср охирида Қўқонда – 34 та, Марғилонда – 25 та, Самарқандда – 22 та, Андижонда – 18 та, Наманганда – 14 та, Тошкентда – 14 та ва Хўжандда – 10 та мадраса бўлган⁵¹.

Ўрта Осиё халқлари орасида ислом динининг ёйилиши ва ривожланишида қорихона ва далоилхоналарнинг ҳам аҳамияти катта эди. Қорихонага мактабни тугатган 10 ёшдан катта ўғил болалар ўқишга қабул қилинган. Қорихоналарда, асосан, Қуръон суралари ёдлатилган. Қуръондаги барча сураларни ёд айта оладиган бола қорихонани тугатган ҳисобланган⁵².

Қорихоналар, одатда мактаблар ва катта мазорлар ёнида очилган. Баъзан қорихоналар йирик мадрасалар ҳужраларининг бир қисмини эгаллаган.

Қорихоналар сони ҳақида Д.А.Айтмамбетов ва Т.Саидбоевлар тадқиқотларида қатор маълумотлар қайд этилади. Уларда таъкидланишича, 1892 йилда Фарғона вилоятида қорихоналар сони 252 та бўлса-да, ўқувчилар сони кам бўлган. Ҳар бир қорихонада ўртача 10 нафардан ўқувчи бўлган. 1897 йилда ўлкада қорихоналар сони 341 та⁵³, 1899 йилда Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё вилоятларида 333 та бўлган⁵⁴.

Қорихоналар моҳиятан аҳолининг ўрта ёшдаги қатламига Қуръонни ўргатишга ихтисослашган бўлиб, бу турдаги таълим масканлари ўтроқ аҳоли орасида кўпроқ ташкил этилган.

Шарқий Фарғонада мадрасада таълим олишга тайёргарлик кўраётган ёшларнинг қорихоналарда таълим олган ҳолатлари ҳам бўлган. Қорихонада Қуръон матнларини мустаҳкам ўзлаштириш мадрасада таълим олишга муҳим қулайлик яратган. Хива хонлигида оилали толибларнинг ўз оилалари билан

⁵⁰ Обзор Закаспийской области за 1902 год. – Асхабад: Электронная библиотека К.М.Федорова, 1903 г.

⁵¹ Исааков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917). – Ташкент: Фан, 1997. – С. 179.

⁵² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. – Тошкент: Давлат миллий нашриёти, 2005. – Б. 110.

⁵³ Айтмамбетов Д.А. Дореволюционные школы в Киргизии. – Фрунзе, 1961. – С. 35.

⁵⁴ Саидбоев Т. Ислам и общество. – Москва: «Наука», 1978. – С. 251.

яшаши учун мослаштирилган махсус қорихоналар ҳам мавжуд бўлган⁵⁵. Келтирилган маълумотлар қорихоналар маҳаллий халқлар ҳаётида ҳам ижтимоий, ҳам маънавий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган таълим ва маърифат масканлари бўлганлигини кўрсатади.

Туркистонда ёши катта аҳолига диний тушунчалар ва билимлар беришга ихтисослашган яна бир турдаги таълим муассасаси ҳам мавжуд бўлиб, улар далоилхона деб аталган. Далойилхоналар диний мактаб бўлиб, унда ўқувчилар домла бошчилигида араб тилида ёзилган “Далойил-ул – ҳайрот” – Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳақидаги ривоятлар ва диний қасидаларни ёд олганлар. “Далойил-ул – ҳайрот” XV асрда мусулмон ақоидшуноси Муҳаммад ибн Жузулий томонидан тузилган. Унинг матнлари 7 қисмга ажратилган бўлиб, ҳафта кунларига мослаштирилган ҳолда ёд олишга мўлжалланган⁵⁶. Далойилхоналар кам учрайдиган муассаса эди. Хонликлар даврида Тошкентда ҳам далойилхоналар бўлган. XX аср бошида Туркистонда жами 10 га яқин далойилхона бўлиб, уларда 100 га яқин ўқувчи таҳсил олган⁵⁷. Далойилхоналарда 3 дан 35 тагача талаба таҳсил олган⁵⁸. Россия ҳукмронлигининг сўнгги йилларида атиги 4-5 та далойилхона сақланиб қолган бўлиб, уларнинг 2 таси Андижонда, 1 таси Марғилонда, 1 таси Қўқонда жойлашган эди. “Далойил-ул – ҳайрот” матнларини ёд олиш учун одатда бир йил вақт керак бўлган. XX аср бошида Андижон далойилхоналарида ўқишга қабул қилинган ва вақф даромадидан мояна олиб турган, оилали ўқувчилар бўлиб, улар домладан уйга вазифа олганлар ва уни топшириб кейинги вазифани ўзлаштиришга ўтган⁴. Айтиш мумкинки, далойилхоналар фаолияти ўрта ёшдаги аҳоли вакилларининг диний билим эгаллашларига қаратилган таълим муассасаси эди.

Юқорида келтирилгандек XIX аср ўрталарида Туркистонда турли шаклда, кенг тармоқли маҳаллий таълим тизими мазмунан кўп асрлик анъаналар асосида шаклланиган ҳолатида мустамлакачи тузум, янгича иқтисодий муносабатлар, қолаверса, давр талаби даражасида эмас эди. Бироқ, XIX аср сўнгги чорагидан бир томондан, турли мамлакатларда бўлиб жaxon маънавий-маданий тараққиётини кўрган миллий зиёлилар, иккинчи томондан, маърифатпарварлик ғоялари таъсирида ўлкада қоқоқлик, мустамлакачилик зулмидан қутулиш, тараққиётга халққа маърифат бериш орқали эришишни кўзлаган жадидачилик ҳаракати юзага келди. Маҳаллий зиёлилар орасида маърифатпарварлик ғояларининг тарқалиши билан анъанавий таълимда ривожланиш бошланди. И.И.Умняковнинг фикрича, анъанавий таълимдаги ислохотлар мусулмон мактаблари ва умуман ислом турмуш тарзини ислох қилиш, диний мутаассибликка, саводсизлик ҳамда мусулмонлар тарқоқлигига

⁵⁵ Билялов Г.М. Из истории культуры и просвещения в Хорезме. – Ургенч, 1957. – С. 99.

⁵⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. – Тошкент: Давлат миллий нашриёти, 2002. – Б. 183.

⁵⁷ Ўз МДА, ф. И-1, р. 18, 29 иш, 574-варақ.

⁵⁸ Ўз МДА, ф. И-1, р. 18, 29 иш, 563-орқа варақ. ⁴ Ўз МДА, ф. И-1, р. 18, 29 иш, 566-варақ.

қарши ҳаракат сифатида Туркияда шаклланган⁵⁹. Туркистонда ҳам ушбу ҳаракатнинг асосий мақсадлари юқоридагича эди. Лекин таъкидлаш жоизки, маърифатпарварлик ҳаракати, ёшларни ўқитиш ва тарбиялашни такомиллаштириш ғоялари Туркистонда XIX аср ўрталаридаёқ Аҳмад Дониш томонидан илгари сурилган эди. С.Айний А.Дониш фаолиятини тавсифлар экан: “Уни мактаб ва мадрасалар ўқув-услубий фаолиятини танқид қилганлиги учун кофир дер эканлар”, – деб ёзади⁶⁰.

XIX аср охири – XX аср бошларида мусулмон мактабларини ислоҳ қилишни, қисқа вақт ичида бу борада катта ютуқларга эришган қрим-татар маърифатчиси И.Гаспиринский бошлаб берди. Ўз ютуқларини намойиш этиш билан бирга И.Гаспиринский маърифатпарварлик ғояларини империянинг бошқа ҳудудларида истиқомат қилувчи мусулмон аҳоли орасида тарқатишга интилди. Унинг ютуқлари Туркистонда жадинлар томонидан амалиётга кенг миқёсда татбиқ этилган.

Туркистон ўлкасида жадин ғояларининг тарқалиши, анъанавий таълим соҳасида ислоҳотчилик ҳаракатларининг бошланиши маҳаллий аҳолини зулмат ва илмсизликда сақлаб турмоқчи бўлган империя ҳукумати мафаатларига мос эмас эди⁶¹. Янги усул мактабларига нисбатан ўзининг муносабатини шакллантирар экан, ўлка Ўқув ишлари бошқармаси ҳузуридаги махсус комиссия 1909 йилда “Фармойиш” ишлаб чиқиб, Ўқув ишлари бўйича бошқарманинг жадин мактаблари устидан назоратчилик функциясини мустаҳкамлади. 1912 йил 25 январда эса Туркистон генералгубернатори Туркистон ўлкаси вилоятлари инспекторлари ва Сирдарё вилояти ўқув муассасалари директорига ўқув маҳкамаларининг жадин мактаблари устидан назоратчилик ваколатларини мустаҳкамловчи 5 банддан иборат фармойишини эълон қилди. Империя ҳукумати янги усул мактабларини миллий маданиятни ўсишига ёрдам беришидан чўчиб, подшо ҳокимияти учун ҳатарли деб баҳоладилар. Шунинг учун уларнинг фаолиятини чекловчи турли тадбирлар кўрилди. Хусусан, 1911 йилда маҳаллий миллат мактабларида (рус-тузем мактабларидан ташқари) ўқувчилар қайси миллатдан бўлса, муаллимлар ҳам шу миллатлардан бўлиши лозим деган қарор қабул қилинди. Шу қарор асосида татар муаллимлари ишдан бўшатилиб, бир неча ўнлаб янги усул мактаблар ёпиб қўйилди⁶². Туркистон ўлкаси маъмурияти томонидан қўлланилган чоралар натижасида 1910-1911 ўқув йили давомида 50 дан ортиқ янги усул мактаби фаолиятига чек қўйилди. Лекин бу турдаги мактаблар сони

⁵⁹ Умняков И.И. К истории новометодной школы в Бухаре //Бюллетень САГУ. Вып. 16. Под. Ред. П.А.Баранова. – Ташкент, 1927. – С. 81-99.

⁶⁰ Долимов У. Туркистонда жадин мактаблари. – Тошкент, 2006. – Б. 10.

⁶¹ Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – С. 25.

⁶² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. – Тошкент: Давлат миллий нашриёти, 2005. – Б.

ўсиши давом этди⁶³. 1918 йилгача Ўзбекистон ҳудудида 104 та “янги усул” мактаб бўлиб, уларда 10343 нафар ўқувчи таълим олган⁶⁴ (Зилова).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Туркистонда мавжуд мусулмон таълим муассасаларида диний билимлар билан бирга қисман дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Таъкидлаш жоизки, кўплаб мустамлака ва совет даври ҳамда чет эл адабиётларида мусулмон мактаб ва мадрасаларида ягона тизим асосида шаклланган ўқув дастурлари мавжуд бўлмаганлиги ҳақида маълумотларни учратамиз. Бироқ айнан ўша адабиётларнинг маълумотлари ўзаро солиштирилганда ўтроқ аҳоли – ўзбеклар, тожиклар ва кўчманчи қирғиз, туркман, қорақалпоқ халқлари орасида мавжуд бўлган мактаблар таълим дастурлари кўп ҳолларда бир-бирини такрорлашлари, мос келиши ҳам қайд қилинган⁶⁵. Демак, мусулмон таълим масканларида давлат томонидан тасдиқланган дастурлар ёки низомлар асосида таълим берилмаса-да, ушбу масканларда барча мусулмонлар учун умумий бўлган, асрлар давомида анъана тарзида ривожланиб келган тушунчалар, ўқув адабиётлари асосида ўқитилган. Бироқ, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига келиб анъанавий таълим мазмунан талабга жавоб бермай қолган эди. Хусусан, ўлкани Россия империяси томонидан забт этилиши натижасида европача таълим билан маҳаллий таълимни бир-бири билан таққослама ҳолати вужудга келган. Ана шу ҳолатда, маҳаллий таълим анъаналари давр талабларидан ортда қолганлиги маълум бўлиб қолди.

Анъанавий таълимда циклик услуб қўлланилиб, бир китоб ўзлаштирилгандан сўнг иккинчисига ўтилган. Бунда ҳар бир китобнинг ўзлаштирилиш муддати ўқувчи қобилиятига боғлиқ эди. Бу билимлар хўжалик, суд ва маъмурий ишларни юритишда асқотган. Лекин тараққиёт бир жойда тўхтаб қолмади. XIX аср ўрталари – XX аср бошида Туркистонда империя бошқарув тизимининг жорий этилиши, янгича иқтисодий муносабатлар кириб келиши натижасида анъанавий таълим муассасаларида берилган билимлар янги иқтисодий, суд-ҳуқуқ муносабатлари шароитида яроқсизлиги, янги талабларга мослашишга интилаётган ўлка жамоатчилигининг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондира олмаслиги маълум бўлди. Бунга сабаб мактаб ва мадрасалардаги таълим-тарбия бериш усул, дастур ва воситалари асосан ривожланган ўрта асрларда тузилганлиги бўлиб, уларни ислоҳ этиш, янгича ташкил этиш замон талабига айланган эди.

Туркистонда империя ҳокимияти ўрнатилиши билан анъанавий таълим муассасаларининг маҳаллий аҳоли ҳаётидаги аҳамиятини пасайтириш, мусулмон таълим тизимини 1875, 1893 йиллардаги қонунлар, 1879, 1906, 1907 ва 1911 йиллардаги қўлланмалар асосида кучсизлантиришга қаратилган

⁶³ Айтмамбетов Д.А. Дореволюционные школы в Киргизии. – Фрунзе, 1961. – С. 39.

⁶⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. – Тошкент: Давлат миллий нашриёти, 2005. – Б. 384.

⁶⁵ Қаранг: Граменицкий С.М. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае. – Ташкент, 1896; Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане 1865-1924 гг. – Ташкент, 1960; Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX в. Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981; Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (кон XIX – начало XX). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998.

сиёсат олиб борилса-да, империя маъмурияти мавжуд маҳаллий таълим муассасаларини бутунлай йўқ қилиш ва улар ўрнига янги турдаги таълим масканларини ташкил этишни режалаштирмаган эди. Чунки мустамлака маъмуриятида ўлкадаги мактаб ва мадрасаларнинг кенг тармоғини йўқ қилиб, уларнинг ўрнига янги таълим муассасалари тизимини жорий этиш салоҳияти мавжуд эмасди. Бинобарин, бу туб ерли халқларнинг ўзига хос маданияти ва турмуш-тарзи шароитида мумкин бўлмаган тадбир эди. 1886 йилги Низомга кўра мусулмон жамоаларига эркин мактаблар ташкил этиш ҳуқуқи берилганлиги фикримизнинг исботи бўла олади. Яна таъкидлаш муҳимки, маҳаллий аҳолининг нисбатан саводсизлиги империя манфаатларига мос эди.

Туркистондаги империя маъмурияти ўлкада рус таълим муассасалари тизимини жорий этиши, маҳаллий таълим муассасалари аҳамиятини пасайтириш орқали туб ерли халқларни ғоявий жиҳатдан бўйсундириш сиёсатини амалга оширишга ҳаракат қилса-да, ўлкада аҳоли талабларига мос равишда анъанавий таълим масканлари ташкил этилаверди. “Янги усул” мактабларини жорий этилиши рус таълим муассасаларига маҳаллий аҳоли эътиборини сусайтирди.

XIX аср 80-йилларига келиб Туркистон ўлкасидаги халқлар таълими бир томондан маҳаллий халқлар орасида рус тили ва маданиятини тарқатишга интилган империя ҳукумати, иккинчи томондан миллий маънавият ва ўзликни юксалтиришга интилган маърифатпарварлар ўртасида ғоявий кўраш кураш майдонига айланди. Ана шундай мураккаб сиёсий-ижтимоий вазиятда ўлкада таълим тизими янги тараққиёт босқичига кўтарила бошлади.